



EZGU FIKR, EZGU SO'Z, EZGU AMAL!

AL-**XORAZMIY** NOMIDAGI
ILMIY-METODIK JURNALI

AL-XORAZMIY NOMIDAGI
URGANCH DAVLAT UNIVERSITETINING
ILMIY-METODIK JURNALI



2014-2

MUNDARIJA

9-FEVRAL – ALISHER NAVOIY TUG‘ILGAN KUN

Ж. Жўраев. Комёб асарларига навой ижодининг таъсири.....3

14-FEVRAL – ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR TAVALLUD TOPGAN KUN

З. Тешабоева. “Бобурнома”даги эмоционал фразеологик бирликларнинг талкини.....6

BIOLOGIYA

С. Юсупова, И. Абдуллаев. Термитларнинг озикланиш хусусиятларини ўрганиш.....9

QISHLOQ XO‘JALIGI

Ғ. Сатинов, И. Исмаилова. Хоразм вилоятида экилаётган гўза навларининг махсулдорлиги.....13

R. Najiev, Y. Djumaniyazova. Xorazm viloyatining o‘rtacha sho‘rlangan tuproqlarida kuzgi bug‘doy samaradorligi.....18

TIBBIYOT

С. Маншарипов, Н. Курбанова. Мембраносвязанные ионы водорода в митохондриях и их роль в процессе окислительного фосфорилирования.....22

S. Ismoilov, V. Ibodullayev. Vitiligodan xalos bo‘lish yo‘llari.....25

MATEMATIKA

М. Вансова, Р. Шарипов. Полидоирада Монж-Ампер тенгламаси учун дирихле масаласи.....28

IQTISODIYOT

Б. Таджиев, С. Салаев, А. Дўстжанов. Кичик тадбиркорлик тузилмаларининг баркарор ривожланиши омиллари.....33

TARIX

М. Тоғнахмедова. IX аср охири – XX аср бошларида наманган шаҳридаги сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаёт.....39

Н. Матякубов. Фуқаролик жамаияти шаклланишида ўзини-ўзи бошқарув институти – маҳалланинг тутган ўрни.....42

TILSHUNOSLIK

Вахид Адил Захидоглу. Об одном архаическом фонетическом явлении в “Китаби-Деде Коркут”.....46

С. Мустафаева. Хитой тилшунослик терминлари тизимида синонимия ҳолисаси.....50

Г. Алимова. Тилшуносликда сўзлашув тилининг ижтимоий фаркланиш хусусиятлари.....55

ADABIYOTSHUNOSLIK

Ш. Имомназарова. Ўзбек халқ ўланларида ўхшатиш.....58

Д. Жумаева. Олим Девона ҳаёти ва ижоди.....61

ILMIY AXBOROT

Ж. Эрметова, Д. Абдуллаев. Инглиз ва ўзбек тилларидаги аффиксация усулининг қиёсий таҳлили.....65

14-FEVRAL – ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR TAVALLUD TOPGAN KUN

Зиёдахон Тешабоева (ЎзДЖТУ)

“БОБУРНОМА”ДАГИ ЭМОЦИОНАЛ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ТАЛҚИНИ

Аннотация. Муаллиф “Бобурнома” даги эмоционал фразеологик бирликларни А. шер Навоий ва Хусайн Байқаро суҳбати орқали таҳлил қилган. Хис-ҳаяжонли фразеологик бирликларнинг вужудга келиши сабабларини ўрганган.

Аннотация. В статье анализируются эмоциональные фразеологические единицы в книге “Бабурнаме”. Автор раскрывает содержание эмоциональных фразеологических единиц в диалогах Хусейина Байқаро и Алишера Навои и объясняет причины появления эмоциональных фразеологических единиц.

Annotation. The author studies the different peculiarities of emotional phraseological units of “Baburnama” and reveals their meaning by the conversation of a king Khusein Baika and Alisher Navai. The reason of appearance of the emotional phraseological units is determined in this article.

Калим сўзлар: “Бобурнома”, фразеологик соҳа, аслият, таъдид, эмоционал фразеологик бирлик, сўз бирикмаси, суҳбат, қиёсий таҳлил.

Ключевые слова: “Бабурнаме”, фразеологическая сфера, оригинал, перевод “Бабурнаме”, эмоциональные фразеологические единицы, словосочетания, разговор, сопоставительный анализ.

Key words: “Baburnoma”, a field of phraseology, original text, translation of “Baburnama” into modern Uzbek, emotional-phraseological unit, word combination, conversation, comparative analysis.

Мамлакатимиз мустақиллигидан сўнг ўзбек олимларининг “Бобурнома” ва Бобурийлар фаолиятига оид кўп илмий тадқиқотлар, рисола ва монографиялар яратилганини ахлига маълум. Уларнинг мисол тариқасида санаб ўтадиган бўлсак, Файбулло Саломов ва Нейматилла Отажоновларнинг “Жаҳонгашта Бобурнома” (1996), Зокиржон Машрабов ва Собиржон Шокаримовларнинг “Асрларни бўйлаган Бобур”, Хайридин Султоновнинг “Бобурийнома”, Раҳим Воҳидовнинг “Биз билган ва билмаган Бобур” (1999), Қамчибек Кейжанинг “Андижондан Бағдодгача” (2007), Фатҳиддин Исхоковнинг “Бобурнома” учу қисқача изохли луғат”и (2008), Гофуржон Сатимовнинг “Марказий Осиё ва Ҳиндистон тарихида Бобурийлар даври” (2008), Ҳасан Қудратуллаевнинг “Бобур армони” (2009) ва “Бобурнинг давлатчилик сиёсати ва дипломатияси” (2011), Нажмиддин Низомиддиннинг “Бобурийлар даври ва Ҳиндистон туркий тили ва адабиёти” (2010) каби асарлар диққатга сазовордир. Уларнинг асарлари “Бобурнома”ни тадқиқ қилишда тадқиқотчиларга турлича ёртиб берди.

“Бобурнома” тарихий, илмий-бадиий асар бўлиб, унда юзлаб фразеологик бирликлар ифодалангани, бу каби иборалар ушбу хотираномани тадқиқотчидан яна-да синчилаб ўрганишни талаб этади. Асар шундай яратилганки, хайратланарли воқеа-ҳодисаларда муаллифнинг ўзи хис-ҳаяжонга тушади ва ҳаётий тажрибаларини ўзининг таҳлилидан ўқиб, автобиографик услубидаги дурдона асари “Бобурнома”ни яратади.

Илмий мақола бевосита “Бобурнома”даги фразеологик бирликлар ҳақида бўлганлиги туфайли фразеология соҳасида ҳам бир оз тўхташимизга тўғри келади. Фразеология соҳаси ҳозирга қадар етарлича ўрганилган соҳа дейишимиз мумкин. Ўзбек тили фразеологиясининг шаклланишида Ш. Раҳматуллаевнинг хизмати бекиёсдир. Сўнгги йилларда фразеология устида бир қанча олимлар илмий тадқиқот ишлари олиб борганлар. Улар: А. Маматов, Б. Йўлдошев, Ш. Абдуллаев, А. Исмаилов, Ш. Усмонова, К. Тўхтаева, Қ. Хақ

мов ва бошқалар. Лекин "Бобурнома" қанчалик кўп тадқиқот қилинмасин, унинг замирида хали мазмуни очилмаган иборалар ва сўзлар жуда кўплиги билан муҳим аҳамият қадаш этади.

Фразеологик бирликлар тўғрисида гап борар экан, биз бу борада Мирзаахмад Олмоғнинг "Ўзбек тили ва адабиёти" журналида чоп этилган "Бобурнома"да қўлланган фразеологик иборалар¹ номли мақолада қирққа яқин фразеологик бирликларнинг морфологик жиҳатдан ҳозирги адабий тил билан семантик алоқаларини ёритиб берганлигини таъкидлаш жоиз.

Зулхумор Холманованинг "Бобурнома" лексикаси тадқиқи² деб номланган докторлик диссертациясида асардаги "ўлмоқ" лексик маъносига қиравчи ўндан ортиқ фразеологик эвфемизмларни таҳлилга тортган бўлса,³ Б. Реймовнинг "Фразеологические единицы характеризующих эмоциональное состояние человека" деб номланган номзодлик диссертациясида эмоционал фразеологик бирликларнинг инглиз тилида вужудга келиш сабабларини ўрганганлигини гувоҳи бўламиз.

"Бобурнома"да қўлланган эмоционал фразеологик бирликлар жараёнларни образлиқ асосда самарали ифода қилади. Бобур ўзининг "Бобурнома" асарида Алишер Навоий билан Ҳусайн Бойқаро тўғрисида баъзи маълумотларни қайд қилган. Масалан, "Бобурнома"даги икки тарихий шахс суҳбатидаги бир парчани олайлик: *Бир кун Алишербек бимирзонинг орасида бир суҳбатда ўттиким, мирзонинг тез фаҳмлилигига ва Алишербекнинг риққати қалбига долдур. Алишербек сиррий сўзларни мирзога гўшаки галаба айтти. Дедиким: "Бу сўзларни унутинг!" Мирзо филҳол айттиким: "Қайси сўзларни?" Алишербек бисёр мутаассир бўлуб кўп йиғлади (56 – 57-бет).*⁴

Матнда ажратилиб ёзилган бирикмалар эмоционал фразеологик бирлик ва сўз бирикмасидир. Лекин биз ҳозирги кун ўқувчиси матнни тўлиқ тушунмаслигини назарда тутилган ҳолда, ушбу парчанинг ("Бобурнома"нинг) таълимини келтирсак, мақсадга мувофиқ бўлади деб фикр қилдик. Мисол "Бобурнома"нинг таълимида қуйидагича берилди: *Бимирзонинг орасида бир суҳбат бўлиб ўтдики, бу мирзонинг тезфаҳмлилигига, Алишербекнинг кўнгли нозик ва юмшоқлигига далилдир. Алишербек махфий сўзларни мирзонинг қулогига кўп гапирди. Тагин дедиким: "Бу сўзларни унутинг! Мирзо дарҳол айтдики: "Қайси сўзларни?" Алишербек кўп таъсирланиб, роса йиғлади (53-бет).*⁵

Таълимдан сўнг матннинг барча сўзлари мазмуни аниқ бўлди. Лекин аслият тилининг мураккаблиги шундаки, бу парчада *Мирзонинг тез фаҳмлилигига* деган жумласи аниқлашмай, балки ўқувчи *тез фаҳмлилик* бу Ҳусайн Бойқарога тегишли, гап "Ҳусайн халқда кетади" деб ўйлаши мумкин. Чунки ўқувчи муаллифнинг "Бобурнома"да яна бошқаро одам хақида гапирётганини сезиши қийин кечади ва юқоридаги мисолга яна бир бора солинса (юқорида келтирилган биринчи мисол), асарда Мўмин Мирзонинг исми тилга олинмаганлиги маълум бўлади.

Бобур жараёнларни тасвирлашда ўқитувчи шахс шоирлар, амиру фузалолар, маърифатли инсонлар тақдирдан, албатта, хабардор бўлади ва машҳур кишиларнинг ҳаёти тарихига ҳеч ким безътибор эмас, деган нуқтаи назар билан Мўмин Мирзонинг исмини ётаъсил келтирмаган бўлиши мумкин.

¹ Олимов М. "Бобурнома"да қўлланган фразеологик иборалар. "Ўзбек тили ва адабиёти", 2002, 6-сон, 25–28-бетлар.

² Холманова З. "Бобурнома" лексикаси тадқиқи. Ф. ф. д. автореф., 2009.

³ Реймов Б. Фразеологические единицы характеризующих эмоциональное состояние человек. Дисс. к.ф.н. 2002.

⁴ Бобурнома. Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент, "Шарк", НМАК, 2002, 335-бет.

⁵ Бобурнома. Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент, "Ўқитувчи", 2008, 288-бет.

Лекин матнда улар суҳбатлашгандаги икки тарихий шахс (Хусайн ва Алишер) нинг ўқбатини кузатиб турган учинчи одам Мўмин Мирзо ҳам бор эди-ку? Буни қандай фахмаш мумкин?..

Англиши кийин бўлган сўзларнинг мазмунини ўрганиш учун жуда кўп адабиётларни муталаа қилиш жараёнида фикр яна-да ойдинлашади ва турлича тахминлар пайдо бўлади. Масалан, таниқли ўзбек ёзувчиси, тарих фанлари номзоди, тарихшунос олим Турғун Файзиевнинг "Темурийлар шажараси" асарида Мўмин Мирзо ва Навоий ҳақида шундай ёзади: *Муҳаммад Мўмин Мирзо ёш бўлса-да, маърифатли кишилар даврасида тарбия ўрган ақлли; зийрак ва жасоратли шахзода эди. Зотан Султон Хусайн Бойқаро ўғиллари набиралари орасида ақли баркамол ҳамда соҳиби салтанатга арзигулик шахзода-Муҳаммад Мўмин Мирзо эди. Улуғ амир Алишер Навоий ёш шахзодага эътиمودи баландлиб, мамлакат, эл-юрт ва салтанатнинг келажак тақдири Муҳаммад Мўмин Мирзонинг оқилона саъй-ҳаракатига боғлиқ деб биларди* (131-бет).¹ Келтирилган жумланинг биз сорида таъкидлаб ўтган мисол мазмуни билан ҳамоҳангдир. Айнан гап Мўмин Мирзо қандаги кетганлигига ушбу фактик мисол бўла олади.

Аслиятдаги фразеологик ибора табдилда содда ва тушунарлидир. Лекин аслиятнинг гўзаллиги, бирмунча мураккаблиги, маънолар кучини қамраб олиши билан фарқнади. Ёш бўлишига қарамадан, бир қанча шеърлар битиб улгурган, катталар, амирулар даврасида ўзини яхши тутиши, зукколиги, тез фаҳмлилиги билан Навоийнинг меҳни қозонган қаҳрамон – Мўмин Мирзо эди.

Биз келтирган мисолда Навоийнинг Хусайн Бойқарога пичирлаб айтган сўзларини гоҳон Мўмин Мирзонинг эшитиб қолиши ноўрин, лекин Навоийнинг унга бурилиб: *итилган сўзлар сизга тегишли эмас, сиз бу сўзларни унутинг!* деган мурожаатига жавобан Мирзо уни эшитган бўлса ҳам, соддалик билан "нимани?" дейиши Навоийни хайратга солади. Шогирдидан бу тарздаги жавобни олган узтоз таъсирланганидан қувониб, йиглаб оради.

Эмоционал фразеологик бирлик "*риққати қалбига долдур*" табдилда "*кўнгли нозик юмшқлигига далилдир*", "*мутаассир бўлуб кўп йиглади*" – "*кўп таъсирланиб, роса лади*" сўз бирикмалари ҳис-ҳаяжонларнинг замирида Мўмин Мирзонинг зукколиги, нинг вазиятдан чиқиши ва ҳозиржавоблиги "*мижозии нозуклук била машҳур*" (132-бет) омага монанд бўлганлигидадир.

Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома"да қўллаган деярли барча фразеологик бирликлари ҳис-ҳаяжонга бой ва миллий-маданийдир. Агар у шунчалик қимматга эга мағанида, ҳалигача турфа ёзувчи-шоирлар ундан илҳомланмаган ва сон-саноксиз "Бобурнома"га тегишли асарлар яратилмаган бўларди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бобурнома. Тошкент, "Шарк", НМАК, 2002, 335-бет.
2. Бобурнома. Тошкент, "Ўқитувчи", 2008, 288-бет.
3. Файзиев Т. Темурийлар шажараси. Тошкент, "Ҳазина", 1995.
4. Олимов М. "Бобурнома"да қўлланган фразеологик иборалар. Ўзбек тили ва адабиёти, 2002, 6-сон, 25–28-бетлар.
5. Реймов Б. Фразеологические единицы, характеризующие эмоциональное состояние человека. К.ф.н., дисс., Ташкент, 2002.
6. Холманова З. "Бобурнома" лексикаси тадқиқи. Ф.ф.д. автореф., 2009.

¹Файзиев Т. Темурийлар шажараси. Тошкент, "Ҳазина", 1995.